2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

Oʻzbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 27-DEKABR, PAYSHANBA, 154-155 (8080)-sonlar

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Фарғона вилояти

## КОРХОНА САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА




**«Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамияти "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибидаги йирик субъектлардан бўлиб, завод маҳсулотлари ўнлаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.**

Мустақиллик йилларида корхона ҳар томонлама ривожланди. Изчиллик билан ўтказилган техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш, модернизация ишлари туфайли корхонада экологик жиҳатдан жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган магний хлорати дефолианти цехи маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Аммиакли селитра ҳамда концентрланмаган азот кислотаси цехлари қурилиши ҳам охирига етказилди ва ишга туширилди.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги учун муҳим минерал ўғитлар ташкил этади. Корхонада 2012-2014 йилларга мўлжалланган «Карбамид ва аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш» лойиҳасини амалга ошириш борасидаги ишлар жадал олиб борилмоқда.

Айни пайтда корхона цех, бўлим ва участкаларида етти ярим мингдан зиёд ишчи-хизматчи, муҳандис ва техник ходим меҳнат қилмоқда.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**





## Куннинг муҳим воқеалари

▶Андижон шаҳрида "Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш, таъминот ва тайёрлов ташкилотлари билан шартномавий муносабатлар: муаммо ва ечимлар" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатимизда фермерлик фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳа вакилларига берилаётган кенг имконият, имтиёз ва преференциялар амалда тўлиқ қўлланилиши учун зарур шароит яратиш, тизимда хизмат кўрсатишга ихтисослашган соҳа ва тармоқлар ишини тубдан яхшилаш, фермерлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

**▶Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда молия муассасаларининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, банклар мижозлари учун энг қулай шароит яратиш, хизматлар турини кўпайтириш ва сифатини ошириш, аҳолининг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.**

▶Қўшкўпир туманида кўкрак бези саратонини профилактика қилиш, аниқлаш ва даволаш масалаларига бағишланган "Саломатлигингиз – ўз қўлингизда" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

**▶Андижон туманидаги Ёрбоши қишлоғида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона ишга туширилди.**

## САҲИФАЛАРДА:



БАЙРАМНИ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТКАЗИШ ЙЎЛИДА 3

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА ЯНГИ ФИЛЬМ



5



СИФАТИГА КИМ КАФИЛ? 8

# ЗАКОВАТ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

## ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН «КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2012» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг истеъдоди, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўплаб кўрик-танловлар, санъат фестиваллари йигит-қизлар учун янгидан-янги имконият эшигини очмоқда.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови изланувчан ёшларнинг фаолияти, ижодий режалари билан атрофлича танишиш, уларни ҳаётга жорий этишга хизмат қилаётган лойиҳалардан биридир. Ўтган йиллар давомида ушбу лойиҳада ғолиб бўлган ёшлар ўз йўналишлари бўйича ўқишни давом эттириш билан бирга, халқаро ва мамлакатимиз миқёсидаги фан олимпиадалари, санъат фестиваллари, илмий анжуманларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

2012 йилги танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қатнашчилар рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, адабиёт ва публицистика, архитектура, интерьер ва ландшафт дизайни, тасвирий ва амалий санъат, либослар дизайни, фольклор ва хореография сингари номинациялар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Мазкур лойиҳанинг илк босқичларида қарийб саксон минг нафар йигит-қиз иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган саралаш босқичи жараёнида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ёшларга оид лойиҳалари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олий таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари, махсус Wi-Fi ҳудудларининг ташкил этилиши йигит-қизларни миллий маънавиятимизга зид ахборотлар оқимидан ҳимоялаш, уларнинг қизиқишига мос маълумотларни етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

20-26 декабрь кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида танловнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда 650 нафар йигит-қиз ўз ижодий ишини ҳакамлар ҳайъати ва кенг жамоатчилик олдида ҳимоя қилди.

Ёшлик, шодлик, билим ва заковат байрамига айланган мазкур танлов доирасида маънавият ва маърифат масканлари, музейлар, театрлар, қадимий меъморий обидаларга экскурсиялар ташкил этилди. Етук мутахассислар, олимлар, экспертлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокидаги маҳорат сабоқлари, ижодий анжуманлар ёшлар билимини бойитишга хизмат қилган бўлса, концертлар, мусиқий кеча ва кўргазмалар байрамга янада ёрқинлик ва кўтаринкилик бахш этди.

– Натижа қандай бўлишидан қатъи назар, мазкур танловда иштирок этган ҳар бир тенгдошим ўзини ҳақли равишда ғолиб санайди, – дейди Бухоро шаҳридаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси Отабек Ғуломов. – Сабаби, юртимизда ёшлар иқтидорини аниқлашга қаратилган барча ижодий танловлар янада фаол ва қатъиятли бўлишга, аниқ мақсад сари интилишга, бор билим ва иқтидоримизни Ватан равнақи, эл-юртимиз тинчлиги, ободлиги, фаровонлиги йўлида сарфлашга руҳлантирмоқда.

Тадбирда турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган ёшларнинг лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР НАТИЖАСИДА ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан "Маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, белгиланган чора-тадбирлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда истиқлол йилларида жамиятнинг муҳим ва ноёб бўғини — маҳалла ва оила институтлари фаолияти янада такомиллашиб, ўзига хос мазмун-моҳиятга эга бўлгани, фуқаролар йиғинлари ҳаёти тубдан янгилангани, шунингдек, "Маҳалла" фондининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлган маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, касаначилик, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Маҳаллаларнинг оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ўн мингга яқин фуқаролар йиғинларининг амалий кўмаги орқали оилавий бизнеснинг бир неча турлари йўлга қўйилди. Кўплаб оилалар касаначилик, тикувчилик, зардўзлик, каштачилик, кулолчилик, косибчилик ва бошқа касб-ҳунарлар билан шуғулланмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида аҳоли ўртасида 9 мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Натижада фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан кредит олиш истагида бўлган 4400 нафар фуқарога банклардан кредит олишда, маҳалла ҳудудида 47 мингдан зиёд янги иш ўринларини яратишда кўмаклашилди.

Биргина, Жиззах вилоятида ана шу йўналишдаги оилавий тадбиркорликни ҳамда касаначиликни ривожлантириш орқали 10248 та, Фарғонада 25599 та, Наманган вилоятида 16587 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Шу билан бирга, фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 8850 нафарга яқин ёшларнинг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда оилавий бизнеснинг асосий йўналиши ҳисобланган томорқачилик ҳам тобора ривож топмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги 4 миллиондан ортиқ оила ихтиёрида 495 минг гектар томорқа оилавий бизнесни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳоли хонадонларида чорва молларини кўпайтириш ва шу орқали оила моддий таъминотини яхшилаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида асосий эътибор кам таъминланган оилаларга қорамол ҳамда парранда олиб бериш эвазига оила фаровонлигини ошириш, шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилди.

Жумладан, Давлат дастури асосида ўтган тўққиз ой мобайнида фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан 1874 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол, 3300 дан ортиқ оилага 66 мингдан зиёд парранда олиб берилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё вилояти

# ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Мамлакатимизда экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан тежаб, оқилона фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар юксак самаралар бермоқда.**

Қизириқ туманида вилоятдаги ирригация-мелиорация тармоқлари ходимлари, сув истеъмолчилари уюшмалари раҳбарлари, бульдозер ва экскаватор операторлари ҳамда уларнинг ёрдамчилари иштирокида экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан тежаб, оқилона фойдаланишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилояти миришкорлари 326 минг гектар суғориладиган майдонда деҳқончилик қилади. Мавжуд майдонларнинг 119,6 минг гектарида пахта, 98 минг гектарида ғалла, 28 минг гектарида бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари парваришланади. 30 минг гектардан ортиқ майдонда мева-узум етиштирилади. 50 минг гектар майдон аҳоли томорқасини ташкил этади. Вилоятда 15 минг километр узунликдаги суғориш, 10,3 минг километрлик коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ ўтган йилларда вилоятда уч минг километрдан ортиқ коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш, тиклаш, қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, 80 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Вилоятда бундай улкан ҳажмдаги ишларни тез, сифатли бажариш мақсадида ихтисослашган тўртта давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, лизинг асосида 119 турдаги машина ва механизмлар билан таъминланди. Айни пайтда мазкур корхоналарда хориждан келтирилган 40 замонавий экскаватор, 9 бульдозер ва бошқа техника воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

2012 йил куз ва қиш мавсумида вилоятдаги 990 километр суғориш ҳамда 500 километр коллектор-дренаж тармоқларини механизмлар ёрдамида тозалаш ишлари ниҳоясига етказилаётир. Бу ишларнинг тез, сифатли амалга оширилиши ва экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда механизаторларнинг хизмати катта бўлмоқда.

– Меҳнатимиз муносиб қадрланиб, бизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда, – дейди "Термиздавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси механизатори Аллаёр Аллабердиев. – Шу соҳада фаолият юритаётганимга 38 йил бўлди. Уч йилдан буён хорижнинг компьютерлаштирилган юқори унумли экскаваторини бошқармоқдаман. Авваллари эски механизмлар билан ҳар куни 200-300 метр зовурни тозалаган бўлсак, энди замонавий экскаватор ёрдамида бир кунда 500-600 метр зовурни қазиб, тозалаш ишларини амалга оширяпмиз.

2008-2012 йилларда "Термиздавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси ишчилари Термиз, Жарқўрғон ва Ангор туманларида 34,6 километр масофадаги коллектор-дренаж тармоқларида гидротехник иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш, 903 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш, тиклаш ишларини амалга оширди. Натижада 23 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди.

Ерларнинг мелиоратив кўрсаткичларини яхшилашда сезиларли ютуқларга эришаётган бир гуруҳ бульдозер ва экскаватор операторларига эсдалик совғалари берилди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Н.Чориев иштирок этди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Тошкент вилояти

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲАМЛАШ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА КЕЛАЖАК АВЛОДНИ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДЕК ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ.**

■ **Нигора МУҲАММАДИЕВА,**
*Чиноз туманидаги "Пахта" қишлоқ врачлик пункти бош шифокори.*

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқаро ҳамжамият тан олган "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасидаги чора-тадбирлар янги босқичга кўтарилмоқда.

Соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан баркамол авлодни камол топтириш борасида туманимизда ҳам ана шундай хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги биз қишлоқ шифокорларини қувонтиради.

Туманимизда бугунги кунда 14 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Эски Тошкент қишлоғидаги "Пахта" қишлоқ врачлик пунктимиз 10 минг нафардан ортиқ кишига хизмат кўрсатиб келяпти. Яқинда туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ҚВПмиз ҳомийлар ёрдамида таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди. Бу нафақат биз шифокорларни, балки бутун қишлоқ аҳлини хурсанд қилди.

Аҳмадали Худойберганов раҳбарлигидаги қурилиш ташкилоти қисқа вақт ичида 65 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. Айни пайтда шифо масканимизда 24 та даволаш хонаси мавжуд, беморлар учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, таҳлиллар лабораторияси, микробиология, дистрилизация хоналари фаолият олиб боряпти. Фитобар ишлаб турибди.





Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ана шу қулайликларни яратишда тадбиркор ва фермерлар Аваз Икромов, Дилшод Баҳовуддинов, Абдумажид Бектўраевларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Биз шифокорлар яратилган шарт-шароит ва қулайликлардан унумли фойдаланиб, аҳоли саломатлигини таъминлашда бор билим ва малакамизни сафарбар этамиз.

МУНОСАБАТ

# ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

*Мирзачўл туманидаги 20-сон чет тилларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг инглиз тили йўналиши битирувчи синф ўқувчисиман. Инглиз тили ўқитувчимиз Зоҳира Ҳайдарова тажрибали, билимдон ва шунга яраша талабчан мутахассис. Шу боис, мактабимизда инглиз тили дарсларини пухта ўзлаштириш баробарида туман ва вилоят миқёсидаги турли кўрик-танловлар ҳамда синовларда муваффақиятли қатнашиб, ўз билим ва иқтидорларини намойиш этиб келаётганлар кўпчиликни ташкил қилади.*

Масалан, ўтган ўқув йилида мактабимизнинг олти нафар ўқувчиси вилоятда «Тил билган – эл билади» ва «Хорижга ташриф тил билишдан бошланади» мавзуларида ўтказилган танловларда қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллашди. Жорий ўқув йилининг ўтган даврида ҳам кўплаб ўқувчилар туман ва вилоят миқёсидаги бир неча мусобақаларда муносиб тақдирланди.

Яқинда муаллимамиз раҳбарлигида Юртбошимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ўқиб, ўргандик. Қарорнинг ҳар бир бандида биз, ёшларни ўқимишли, замонавий фикрловчи авлод сифатида камол топтиришдек улуғ мақсад кўзланган. Қарорда **республиканинг барча ҳудудида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади,** дейилади. Ушбу қарорда чет тилларни ўргатиш борасида қатор имтиёзлар белгиланаётгани нафақат шаҳар, балки бизники сингари туман марказидаги мактабларда, чекка қишлоқ мактабларида ҳам чет тилларни ўргатишга жиддий эътибор қаратилишини кўрсатиб турибди. Бундан биз беҳад миннатдор бўлдик.

Айниқса, **олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади,** сатрлари замирида ҳам давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг илк йилларида «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам» деган олий мақсади яққол кўриниб турибди. Демак, Ўзбекистон мутахассисларининг халқаро майдонда янада фаол ва кенг миқёсда ўзларини кўрсатиши учун имкониятлар кенгаяди. Шундай юртда яшаб, билим олаётганимдан, орзуларим ушалаётганидан беҳад бахтиёрман.

**Малика ҚУЛМАТОВА,**
**Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 20-сон ихтисослашган умумтаълим мактаби ўқувчиси.**

▼ 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# МАРДЛИК – МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ



Жасорат, мардлик юксак қадрланадиган давлат энг қудратли давлатдир. Бу фикрни тарихий тажрибадан келиб чиқиб, алломалар айтишган. Яна шундай ҳаётий бир ҳақиқат бор. Мард одам ҳимматли бўлади. Бу унинг жасорати кўнгилчанлиги билан эгизаклигидандир. Демак, хулоса қилсак бўлади: мардлик — маънавий жасорат.

Барча даврларда ҳам мардлик қадрланган. Кимлардир хатар мардликни оширади, дейди. Хатардан мардлик куч олади, дегувчилар ҳам топилади. Бу гапда жон бор. Негаки, хатарни қўрқмасдан бартараф этиш, уни юзма-юз қарши олиш жараёнида мардлик янада шаклланади.

Бироқ бугун мардлик тушунчаси янгича мазмун-моҳият билан бойиб бораётганини ҳам унутмайлик. Бугун замон талаб қилаётганидек, кундалик ҳаётда фидойи бўлиш, жонкуяр бўлиш, руҳан букилмаслик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шундай фазилат ва хислатлари бор инсонни мард санашимиз мумкин.

Мардлик бизларга аждодлардан мерос. Қалбнинг энг буюк фазилати бўлган мардликдан бежиз сўз очмадик. Мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўйи арафасида қонун ишлаб чиқарувчи олий орган томонидан муҳим бир ҳужжат тасдиқланди. Бу Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Орден билан унинг низомига мувофиқ ўзларини Ватанни ҳимоя қилишга ва она юрт хизматига бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқаролар мукофотланиши белгиланган. Алоҳида ҳолларда мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, бу мард инсонларни, мардликни қадрлаш йўлида давлатимиз яна бир муҳим қадам қўйганидан, қолаверса, Ватан ҳимоячиларига бўлган юксак эътибордан далолат.

Бугунги ҳаётимизда мардликнинг қиёфасини кўплаб кишиларда учратганман. Мустақиллигимиз, тинч ва осойишта ҳаётимиз ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи отасининг кўзларида тўқнаш келганман бу туйғуга. Ёлғиз ўғли истиқлолимизни, озод ва обод Ватанимизни кўролмайдиган бир гуруҳ ғаламисларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлганди. Таъзия билдирганимизда отадаги ирода, босиқликни кўриб қойил қолдим. Ғамнинг заъфарон ранги кўзларида, юзларида акс этиб турган бўлса-да, билинтирмасликка уринди. Тақдир зарбасига мард инсонгина дош бера олишини шунда яна бир бор англадим. Мард одам азоб чекса ҳам нолимайди, деганлари шу бўлса керак-да. Шунда ҳалок бўлган офицерга мардлик отасидан ўтганини ҳис қилдим. Ватанга бўлган муҳаббатдан куч олаётган мардликни ота қиёфасидан кўрдим.

**Алижон САФАРОВ**

# Сергак ва безовта самимият

**Ямин Қурбон ижоди ўткир ҳажв ва сатира ихлосмандлари, дилрабо қўшиқ шайдолари, қолаверса, адабиётга ошно барча кўнгилларга яхши таниш. Ярим асрдан зиёдки, эзгуликни улуғлаб, қабоҳату разолатни қоралаб, турмушдаги турфа иллатларни ҳажв тиғига дучор қилиб, ҳормай-толмай бардам, бардавом ижод этиб келмоқда.**

Яқинда адибнинг "Насаф" нашриёти томонидан нашр этилган уч жилддан иборат сайланма асарлар тўплами ана шу бардаму бардавомлик ҳосиласи, десак ноўрин бўлмаса керак.

Тўпламнинг биринчи жилдида Ямин Қурбоннинг турли йилларда ёзган ҳамда вақтли матбуотда нашр этилган масаллари киритилган. "Нафс билан Иблис", "Қоровул ва ўғри", "Тулки билан товушқон" сингари масаллари ўша пайтлардаёқ мухлислар эътибори ҳамда эътирофини қозонган эди. Шуниси диққатга сазоворки, китобга кирган бу ва бошқа қатор масаллар айни кунларда ҳам ўз долзарблигини, замонавийлигини йўқотмаган. Ўқувчига нафс балоси, алдамчилик, эгрилик сингари иллатларнинг инсон бошига шундай кулфатлар келтириши мумкинлиги бетакрор образлар воситасида мажозий услубда ғоят ҳикматли, ибратли қилиб тасвирлаб берилади ва уни ҳар доим ҳушёр бўлишга, ҳаром-харишдан ҳазар қилиб, ҳалол меҳнат билан яшашга ундайди.

Китобга киритилган масалларнинг анчагинаси кейинги йилларда "Қишлоқ ҳаёти" саҳифаларида эълон қилингани билан ҳам муштарийларимизга таниш ва қалбларига яқиндир. "Эр ва хотин", "Пашшалар ширага қўнади", "Тутун", "Айғир билан Қўчқор" шулар жумласидандир. Уларда янги турмуш моҳиятини етарлича теран англамасдан, тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитларни мўмай даромад топиш, мол у давлат йиғиш имконияти, деб тушунаётган, дабдабали тўй-маъракалар ўтказиб, исрофгарчиликка, бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўяётган сохта тадбиркору замонавий "бойваччалар" ўткир ҳажв тиғи остига олинган. Мақтовга лойиқ жиҳати — муаллиф танқид ёки кулгу қилинаётган ҳолатни узундан-узоқ тасвирлаб ва тафсилотларга берилиб ўтирмайди. Ифода қисқа ва лўнда. Тегишли хулосани ўқувчининг ўзи чиқариб олади. Мана, масалан, икки сатрли "Тутун" масалини олиб қарайлик:

*"Мунча ҳаволаниб кетдинг, эй тутун?" —*
*"Эҳ-ҳей, бўлмоқчиман осмонга устун!"*










Мутолаа

Шу икки қаторда ҳаммаси тугал ва мукаммал айтилган. Ортиқча изоҳу шарҳнинг зарурати йўқ. Тўрт мисралик "Варрак" масали ҳақида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин:

*"Варракка дедилар: "Эҳ-ҳей, ўс, яна ўс,*
*Қил яна кўкаро ўзингни кўз-кўз!*
*Чоғи, турнадан ҳам ўзув — хаёлинг.*
*Ҳим-м, шамол сўнганда кўрамиз ҳолинг"...*

Ямин Қурбон масалларининг ўзига хослиги — уларда муайян ҳолатнинг устидан енгил кулиш орқали жуда залворли ижтимоий муаммони илгари суриб, ўқувчини чуқур мушоҳадага чорлашидадир.

*"Кимгадир масалим ҳикматдир, ўртоқ!*
*Кимгадир тўқмоқдир фаҳм этса, тўқмоқ!"*
деб ёзади унинг ўзи.

Сайланманинг иккинчи жилди турли йилларда ёзилган фельетонлардан иборат. Уларнинг аксарияти "Муштум"да, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Гулистон"да, жумладан, "Қишлоқ ҳаёти"-да эълон қилинган. Уларда турмушимиз мазмунига ёт қусурлар аниқ, муайян бир вазият, ҳолат, ноқис каслар фаолияти мисолида фош этилади. Ушбу ҳодисанинг аянчли оқибатлари ипидан игнасигача кўрсатиб берилади. Бу эса ўқувчини сергак торттиради, дафъатан қараганда арзимасдек, безарардек туюлувчи воқеликларга бефарқ бўлмасликка чақиради.

Лўнда қилиб айтганда, Ямин Қурбон асарларининг аксариятини уйғун, муштарак бир хислат бирлаштиради. Адиб йил сайин янгиланаётган, юксалиб, обод ва фаровон бўлиб бораётган турмушимизни хавфли иллатлардан асраш, аҳён-аҳёнда учраганларини тезроқ бартараф топтириш иштиёқи билан ижод этади. Ўз ўқувчисини мудом огоҳликка чорлайди, даъват қилади. Бинобарин, унинг ижодидан сергак ва самимий безовталик нафаси уфуриб туради. Аччиқ киноя, ўткир ҳажв, қаттиқ танқидга йўғрилган сатрлари замирига ҳам некбинлик, эзгуликка садоқат, ҳаётсеварлик оҳанглари чуқур сингдириб юборилган. Сайланманинг учинчи жилдини ташкил этган қўшиқлар, лапарлар, томошалар ва интермедиялар ҳам шу фикрни яққол тасдиқлайди. Шу маънода оқсоқол адибимизнинг Сайланмаси адабиёт ва санъат ихлосмандларига муносиб туҳфа бўлди, десак арзийди.

**Ҳ.НЕЪМАТОВ**

ЎЗБЕК КИНОСИ

**Одам савдосига қарши курашиш мақсадида халқаро миқёсда кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамай, у ҳали ҳануз миллионлаб инсонларни ўз домига тортиб, аянчли қисматга грифтор этаётган асримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.**





## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

# ЯНГИ ФИЛЬМ

Мутахассисларнинг фикрича, дунё бўйича мазкур жиноят билан боғлиқ маблағ айланмаси қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, нефть ва "шоу бизнес"-дан келадиган даромад билан тенг ўринда тураркан. Энг ачинарлиси, кимнингдир умрини хазон қилиш эвазига мўмай пул орттиришни ўзига касб қилиб олган нопок ниятли кучларнинг тузоғига асосан соддадил, ҳали оқдан қорани ажрата олмайдиган, ишонувчан, маънавияти мўрт одамлар тушиб қолишмоқда.

Мамлакатимизда ушбу иллатни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилингани, одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг тузилгани, ҳуқуқий ҳужжатларимизда мазкур жиноят билан шуғулланувчиларга нисбатан жазо тайинланиши ва жазонинг муддатлари қатъий белгилаб қўйилгани шулар жумласидандир.

Албатта, кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга эришишда тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Айниқса, одам савдосининг мудҳиш оқибатларини аҳолига таъсирчан усулда кўрсатиш, шу орқали уларни алданиб қолишдан сақлаш, қолаверса, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, умргузаронлик қилишга чорлашда кино асарлар муҳим ўрин тутади.

"Lola Film" киностудияси ижодкорлари шулардан келиб чиқиб, "Истиқболли авлод" нодавлат-нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда "Қадамлар" деб номланган янги бадиий фильмни суратга олишди. Фильмнинг монтаж ишлари якунланиб, айни пайтда дубляж жараёнлари давом этмоқда.

Фильм ғояси "Lola Film" киностудияси директори Умар Йўлдошевга тегишли. Сценарий Абдуқаюм Йўлдошев ва Озод Шамсиддинов ҳаммуаллифлигида ёзилган. Режиссёр Озод Шамсиддинов, тасвирчи Дилшод Азимов. Бош ролни дебютант актёр Шерали Ортиқов ижро этган. "Қадамлар"да, шунингдек, элимиз суйган маҳоратли актёрлар — Муҳаббат Абдуллаева, Шоҳида Исмоилова, Сайфиддин Мелиев, Феруза Мелибоева билан биргаликда, ёш умидли актёрлардан Арслон Эсенов, Акмал Назаров, Зариф Ҳасанов ҳамда Самиддин Лутфуллаевни кўрасиз.

— Ижодий жамоамиз асосан ёшлардан ташкил топган, — дейди фильм режиссёри Озод Шамсиддинов. — Уларнинг аксарияти биринчи марта катта фильмда қатнашишди. Масалан, Шерали Ортиқов мухлислар учун ҳали нотаниш чеҳра. Аммо унинг ижоди кўпчиликда илиқ таассурот қолдиришига ишончимиз комил. Бундан ташқари, ўзим учун ҳам бу дастлабки профессионал иш ҳисобланади.

Фильмда жиноятчиларнинг ширин ваъдасига учиб, оғир меҳнат шароитига тушиб қолган ёш йигитларнинг бошдан кечирганлари, шунингдек, чет элни ҳавас қилиб, кейин афсус чеккан қизларнинг изтироблари тасвирланган. Фарзандини кўзлари тўрт бўлиб кутаётган, мудҳиш хабардан сўнг қалби вайронага айланган онанинг ҳолати таъсирчан усулда ифода этилган. Фильм воқеалари томошабинни яна бир карра огоҳликка, ҳушёрликка чақиради.

"Қадамлар" фильмининг тақдимоти 2013 йилнинг бошларига мўлжалланган.

**Муҳиддин АБДУСАМАТОВ**


АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
Сурхондарё вилоятида ерларнинг мелиоратив
ҳолатини яхшилаш, заминни соғломлаштириш борасида йирик
ҳажмда иш олиб бораётган, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги
экинларидан юқори ҳосил етиштиришга ўзларининг муносиб
ҳиссаларини қўшаётган «Қизириқдавсувмахсуспудрат» ҳамда
«Узундавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхоналари
жамоалари Сизларни кириб келаётган
2013 йил — Обод турмуш йили
билан қизғин табриклайди.
Сизларга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, бунёдкорлик ва
яратувчанлик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.
Ҳеч қачон мустақил Ўзбекистонимизга, унинг меҳмондўст,
бағрикенг, танти ва меҳнатсевар халқига кўз тегмасин! Юртбошимиз
белгилаб берган улуғвор мақсадлар сари дадил одимлайверайлик!




Навоий вилояти

ЎРМОН — ХАЗИНА

# «Чўл арчалари» кўпаймоқда

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЎРМОНЧИЛАРИ ҲАР ЙИЛИ ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДА 4 МИНГ ГЕКТАРДАН ОРТИҚ МАЙДОНДА ЯНГИ ИҲОТАЗОРЛАР БАРПО ЭТИШЯПТИ.

— "Чўл арчаси", "Чўл маликаси", дея таърифланадиган саксовулнинг ўзига хос хусусиятлари кўп, — дейди Навоий марказий давлат ўрмон хўжалиги бош директори Шариф Худойқулов. – Бошқа ўсимликлар намни илдиз орқали сўриб, пояси ва барглари орқали ҳавога буғлатса, саксовул нинасимон барглари орқали ҳаводан кислород ва карбонат ангидридни сўриб олиб, синтезлаб нам ҳосил қилади ва намни илдизига йўналтиради. Шу боис, у чўл бағрида, қумликларда бемалол ўсади, 50-60 даража иссиққа дош беради.

Ўрмончилар саксовулга тўйимли чорва озуқаси, сифатли ўтин ва яна ўсимлик, ҳайвонат оламини асрайдиган ишончли иҳота деб қарашади. Қўй-эчки, қорамол, от ва туялар ҳам куз, қиш ва эрта баҳорда саксовулни иштаҳа билан ейдилар. Шу сабабдан ҳам чўл бағрида уни кўпайтиришга доимий ҳаракат қилинади. Бош ўрмонбеги Маҳмуд Эшмўминовнинг изоҳлашича, 4 ёшли бир гектар саксовулзор 1158 килограмм ис газини ютиб, атмосферага 835,4 килограмм кислород чиқарар экан.

Навоийда саксовулзорларни қўриқлашга ва кўпайтиришга, табиатнинг бу ноёб ўсимлигидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Ҳар йили ўрмончилар унинг қуриб қолган шохларидан 1200-1400 метр куб миқдорида ўтин тайёрлашади. Бу ўтин чорвадорларга арзон нархларда сотилади.



Кейинги йилларда Қизилқум бағридаги саксовулзорларни янада яшнатишнинг янги йўллари топилди. Ўрмончилар шудгорланган ерларга фақатгина кўчат ўтқазиш билан қоникмасдан, уруғ сепишни ҳам йўлга қўйишди. Натижада уруғлар табиий равишда униб, дарахтзорлар ҳосил бўлаверади. Уруғ ўрмончилар томонидан яхши ривожланган, соғлом дарахтлардан териб олинади.

"Конимех" давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмонбеги Жондарбек Нуржаубаев чўлда бўстон яратаётган фидойи инсонлардан бири. "Томди" давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмонбеги Бахтбек Абешов ҳам ундан қолишмайди. Шунингдек, Навоий марказий давлат ўрмон хўжалиги тасарруфидаги Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота, Кармана ўрмон бўлимларида ҳам тажрибали ўрмончилар кўп. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Навоийнинг бепоён кенгликларида, чўл бағрида табиатнинг бебаҳо ўсимлиги кўпаймоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

# ЛИЗИНГГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР

**Юртимизда барча соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, мазкур соҳа йилдан-йилга ривожланиб, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда.**

Айтиш жоизки, бугунги кунда деҳқончилик, чорвачилик, умуман, қишлоқ хўжалиги юмушларини замонавий техникаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада ҳам мамлакатимизда аҳамиятга молик ишлар амалга оширияпти.

Қайд этиш лозимки, ҳукуматимизнинг 2000 йил 2 ноябрдаги "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ҳамда ҳудудий "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятлари учун "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси хизматидан фойдаланишда бир қатор лизинг шартлари белгиланган. Бу имтиёзларга — лизинг объекти қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлаб берилиши, тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларининг фермер хўжаликларига ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги машина-трактор паркларига 10 йил муддатга, бошқа вилоятлардаги машина-трактор парклари ва "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятларига 7 йил муддатга лизингга берилиши, лизинг фоизи йиллик миқдорининг Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги киради.

– Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларининг лизинг орқали сотилиши фойдаланувчиларга катта имконият яратмоқда, – дейди "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" АЛК бошқарув раиси Нодир Отажонов. — Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 21 майдаги "2012–2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Қарори фаолиятимизни ривожлантиришда асосий дастуриламал бўлмоқда. Компаниямиз ўтган давр мобайнида юртимиздаги 29 мингдан ортиқ фермер хўжаликларига 679,4 миллиард сўм миқдоридаги 41 минг 700 тадан ортиқ ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга етказиб берди. Жорий йилда 7 турдаги техникаларни лизингга бериш йўлга қўйилди.

Лизингга харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги техникалари фермерлар учун айни муддао бўлмоқда. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси томонидан 2013 йилда фермер хўжаликларига жорий йилдагига нисбатан лизинг хизматлари кўрсатиш ҳажмини 20 фоизга кўпайтириш режалаштирилган. Бунда асосий эътибор ҳозирда талаб ортиб бораётган ҳайдов тракторлари, комбайнлар ва пахта териш машиналарини лизингга етказиб беришга қаратилмоқда.

**Ҳасан МЎМИНОВ**

**Сифатсиз дори-дармон ва фармацевтика маҳсулотлари инсон учун энг азиз неъмат – сиҳат-саломатликка жиддий хавф туғдириши шубҳасиз. Чунки, ҳар хил шароитларда ва белгиланган меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда ташиладиган, олиб келинадиган дорилар шифо ўрнига касалликни янада кучайтириб юбориши мумкин. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатдан кўз юмган айрим кимсаларни юртдошларимизнинг саломатлигидан кўра, мўмай даромад кўпроқ қизиқтиради.**



# СИФАТИГА КИМ КАФИЛ?

"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини, тиббий буюмларни экспорт ва импорт қилишнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган ягона тартиби амал қилади. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини, шунингдек, республикамизда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш тақиқланади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги 427-сонли Қарорида кўрсатиб ўтилган импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари рўйхатига дори-дармонлар ва дори-дармон воситалари ҳам киритилган.

Аммо, ушбу тартибларга риоя қилмасдан дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтишга уринаётган сохта "фармацевтлар" ҳам йўқ эмас.

Республикамиз божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда шу турдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан "Навоий" божхона пости орқали юртимизга кириб келаётган пиёдалардан бири, фуқаро А.Сафаровнинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, қиймати 12,9 млн. сўмлик 7 турдаги стоматологик воситаларни божхона баённомасида қайд этмасдан туриб, яширинча олиб киришга урингани аниқланди.

Андижонлик божхоначилар Кўрғонтепа туманининг қўшни давлатга чегарадош ҳудудида фуқаро Н.Жумаеванинг қинғир қилмишларига нуқта қўйишди. Қаранг-ки, ушбу фуқаро 18.2 млн. сўмлик 830 тўплам дори воситаларини қўшни давлатдан яширин йўллар билан юртимизга олиб киришга уринаётган пайтда фош қилинди.

"Келес" темир йўл божхона постида "Новосибирск-Тошкент" йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида, йўловчилардан бири фуқаро А.Бекмухамедов қиймати 1,6 млн. сўмлик 3 турдаги дори воситаларини божхона баённомасида қайд этмасдан туриб, яширинча олиб киришга урингани аниқланди.



Худди шу рейсдаги бошқа бир йўловчи – Н.Эргашев эса ҳеч иккиланмай "қадамини катта ташлабди". У қиймати салкам 21 млн. сўмлик 19 турдаги дори-дармон воситаларини божхона баённомасида ҳам, божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида ҳам маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишни кўзлаган экан. Аммо, чучварани хом санганини тушуниб етганида, кечиккан эди.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан сохта "фармацевт"лардан яна бири – Н.Ахмадалиеванинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. "Деҳли-Тошкент" йўналиши бўйича парвозини якунлаган ушбу йўловчи қиймати 23,4 млн. сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган "Супрастин" дори воситасини ноқонуний тарзда олиб киришга уринган экан.

Чортоқ туманини қўшни давлат билан туташтирувчи айланма йўлда ҳаракатланаётган "Форд" юк машинаси ва "Нексия"дан иборат кичик карвоннинг сафари эрта қариди. Карвон "сарбон"лари эса божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кузатувига тушиб қолишганини сезиб қолгач, жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида қўшни давлат ҳудуди томон жуфтакни ростлаб қолишди. Улар қолдириб кетишга мажбур бўлган автотранспорт воситалари ўрнатилган тартибда ва холислар иштирокида кўздан кечирилганда, қонунбузарлар 109 та қутида 51 минг донадан ортиқ дори-дармон воситаларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб киришга уринишгани аён бўлди. Аниқланишича, хорижда ишлаб чиқарилган 8 турдаги мазкур фармацевтик маҳсулотларнинг умумий қиймати 56 млн. сўмдан ошар экан.

Фарғона вилояти божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда муқаддам айланма йўллар орқали олиб кирилган ва божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги дори-дармон воситаларининг "омбори"ни фош этишди. Фуқаро Ҳ.Ғофурованинг хонадони амалдаги тартибларга мувофиқ ҳамда холислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадон соҳибаси фуқаро М.Аҳмедовага унга тегишли қиймати оз эмас, кўп эмас 137,1 млн. сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган 8 турдаги дориларни ўз уйида ноқонуний равишда сақлашга рухсат берганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг ўтган 10 ойи давомида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 137 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган дори-дармон воситалари ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати**

# ЗАҲАРЛИ "Келин гули"

**"Келин гули" (молочай) сутламадошлар оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, унинг таркибида оқ сутли шира, шира таркибида бироз елимли каучук бор.**

Сутлама таркибида заҳарли модда бўлганлиги боис ем-хашак учун фойдаланишга ярамайди. Мамлакатимизда сутламадошларнинг бир неча — ҳошияли, ўроқсимон, тишсимон турлари учрайди. "Келин гули" унинг ҳошияли туридир.

Ўсимлик барглари гуллашдан олдин сариқ ёки оч-яшил рангда бўлади. Меваси кўсакча шаклида, уруғи овалсимон. У заҳарли бегона ўт ҳисобланиб, ғалла ва озуқабоп экинларга катта зарар етказади. Ундан аҳолининг заҳарланиш ҳолатлари ҳам учрайди.

